

Қуръони Карим хатмонасини ғанимат билинг!



19:15 / 27.04.2022 1739

Алҳамдулиллаҳ улуғ ойнинг энг ғанимат онлари – Лайтул қадр кечаларига ҳам етиб келдик. Бугун, 27 апрель куни диёримиздаги 350 та жомеда хатми Қуръонлар ўз ниҳоясига етади. Хусусан, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидида ушбу улуғ Қуръон оёи, муборак Рамазони шариф муносабати билан бир ой давомида масжид имом ноиби, устоз, Қуръон ходими Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва Муҳаммад Саид қори Муҳаммад Айюб ўғли таровеҳ намозини адо этиб беришди.

Шу билан бугунги кунга қадар яқунланган хатми Қуръонлар сони 710 тага етади.

Бугун ана шундай файзли кечада юртимизнинг 350 та масжидларида хатми Қуръонлардан сўнг мўмин-мусулмонларимиз бир пайтнинг ўзида ҳам дуо, ҳам илтижо ва ҳам Ҳақ таолога муножот қиладилар.

Азизлар, мана шундай дуолар мустажоб бўладиган, гуноҳлар кечириладиган фурсатларни ғанимат билайлик!

Қадр кечасидаги Қуръон хатмонасига марҳабо!